



“ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ” АСАРИДАГИ ФОРСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАР ЁРДАМИДА ҲОСИЛ БЎЛГАН АРАБИЙ ЎЗЛАШМАЛАР

Сагдуллаева Дилфуза Каримуллаевна,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

Калит сўзлар: арабий ўзлашмалар, форсий элементлар, аффикс, префикс, инфикс, арабча асос, қўшима сўзлар, морфологик таҳлил.

Буюк аждодимиз Носуриддин Бурҳонуддин Рабғузий томонидан 1310 йилда ёзилиб, ислом динини қабул қилган мўғул беги Носуриддин Тўқбуғага тақдим этилган асар – “Қисаси Рабғузий”дир. Асар чингизийлар ҳукмронлиги давом этаётган бўлса ҳам, Волга бўйларидан то Хитой чегараларигача чўзилган улкан ҳудудларда мўғуллар қандай туркийлашаётгани ва ислом таълимотини туркий тилда “ўқимокқа кераклик, ўрганмакка яроғлик” китоблар орқали қабул қилиб мусулмон бўлаётганини кўрсатувчи тарихий далил ҳисобланади [Абдушукуров Б.,7]. Мазкур асар муқаддима, турли диний қиссалар, туркий ва араб тилидаги лирик кечинмаларни ифодаловчи шеърлар ва хотимадан ташкил топган. Асарда арабий лексемалар миқдори салмоқли даражада бўлиб, уларнинг мазкур асар матнидаги ўрни ва қўлланилиш тарзи, маъно хусусиятлари, муайян матнда бажарган мазмуний ва шаклий вазифаларини аниқлаб, структур хусусиятларини талқин қилиш каби муаммолар шарқ тилшунослиги учун муҳим илмий аҳамият касб этади.

“Қисаси Рабғузий” асарида қўлланган арабий ўзлашмаларнинг морфологик тадқиқи XIV-XV асрлар туркий тил тизимидаги арабий сўзларнинг қандай ўзгаришга учраганлигини аниқлашга хизмат қилади. Ҳеч бир тил соф ҳолатда мавжуд бўлмаганидек, “Қисаси Рабғузий” асарида ҳам арабий сўз ва форсий элементнинг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган бир қатор лексик бирликлар мавжуд. Маълумки, XI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, форс адабий тилига диний, сиёсий-иқтисодий ва маъмурий соҳадаги арабча сўзлар кириб

келиб, тилни салмоқли даражадаги лексик қатлам билан бойитган [Пейсиков Л.С., 36; Барышников А.Ф., 123]. Асарда туркий тил лексикасини бойитишга хизмат қилган бир қатор форсча морфологик элементлар воситасида ҳосил бўлган арабий ўзлашмалар қўлланган. Таҳлил натижасида арабча асосга қўшилиб, янги лексика ҳосил қилишда иштирок этган бир қатор форсий аффикс (қўшимча) ва префикс (олд қўшимча)лар мавжудлиги маълум бўлди.

Форсча аффикслар иштирокида ҳосил бўлган арабий ўзлашмалар:

-он (ان-) қўшимчаси. Жонли предметларни билдирувчи отлардан кўплик ҳосил қилувчи қўшимча [Абдусаматов М., 81] бўлиб, асарда 4-боб аниқ даража сифатдоши مسلم (муслим) сўзига -он (ان-) қўшимчасини қўшиш орқали مسلمان [QRA:2v1⁵³] – *муслимон* сўзи ҳосил бўлган. Форс тилида бу сўз مُسْلِمَان (мусалмон) тарзида ўқилиб, “ислом динини қабул қилган киши” маъносини билдиради [Ҳасан Амийд, 956]. Кейинчалик мазкур сўздаги -он қўшимчаси грамматик категория сифатида аҳамиятини йўқотган. Бу қўшимча қўшилганидан сўнг қуйидаги товуш ўзгаришлари содир бўлган: *муслимон* сўзининг иккинчи бўғинидаги **и** унлиси талаффуз қилинмай, **сл** товушлари оралиғига **у** унлиси киритилган: **муслимон-мусулмон** [Раҳматуллаев Ш., 956]. Тадқиқ этилаётган асарда “мусулмон” сўзи от, сифат ва феъл туркумларида қўлланган. От туркумига оид мазкур сўзнинг кўплик шакли “-лар” қўшимчаси билан ифодаланган. *Ул мусулмонларда уч юз киши ўлдилар.* Сифат вазифасида *мусулмон*

⁵³Изоҳ. [QRA:2v1] - “Қисаси Рабғузий” асари А - кўлёзма нусхасининг варағи ва қаторлар тартиби



динлыг [QRA:2v1], мусулмон тишилар [QRA:82r21] (мусулмон аёллар) каби бирикмаларда қўлланган бўлса, “бўл=” кўмакчи феъли билан “мусулмон бўл=” кўшма феълени ҳосил қилишда иштирок этган. Юсуф иймон арза қилди, мусулмон бўлдилар [QRA:72v19]. Ул жумладан, Аббос ва Ҳамза мусулмон бўлдилар [QRA:198r12]. Шунингдек, “мусулмон” сўзи “-лык” туркий кўшимчаси билан бирикиб мавҳум от ҳосил қилган. Солиҳ уларни мусулмонликқа ундади [QRA:31v12].

-гин (گين -) яримаффикси. Форс тилида сифат ҳосил қилувчи –гин (گين-) кўшимчаси асоснинг семантикасига боғлиқ бўлиб, салбий хусусиятни ифодаловчи сўзлардан сифат ясади [Пейсиков Л.С., 1973, 72]. Асарда бу кўшимча билан “қайгули, хафа” маъносини англатувчи *гамгин* (غمگين) сўзи қўлланган. Мусо *гамгин* бўлди [QRA:130v5]. Бу сўз форс тилида ҳам айнан шу маънода қўлланилади [Бу ҳақда қаранг. Ҳасан Амийд, 850].

-хон (خون) кўшимчаси. Форс тилидаги “ўқимоқ” маъносидаги “хондан” (خواندن) феълидан ҳосил бўлиб, бирор юмуш билан машғул бўлувчи шахс отини ясади [Юлдашев Т., 50]. Асарда бу аффикс билан *тавротхон* ва *қуръонхон* сўзлари ҳосил бўлган. Масалан: *Ҳадиджа тавротхон эрди* [QRA:186v17]. *Аймишлар қуръонхонлар* *Қуръоннинг қамуз ҳарфин санаб, ики бўлмишлар* [QRA:178v13]. (Яъни: *Айтмишларки, қуръон ўқувчилар* *Қуръоннинг барча ҳарфини санаб иккига бўлмишлар*).

-дор (دار) кўшимчаси. Асарда форс тилидаги *доштан* (داشتن) “бор бўлмоқ, эга бўлмоқ” феъленинг ҳозирги-келаси замон асоси “-дор” билан ҳосил бўлган “тарафдор, хайрихоҳ” [АНАТИЛ⁵⁴, 127] маъносини ифодалаган от туркумига оид *ҳаводор* (هوادر) сўзи қўлланган. -дор кўшимчаси туркий тилга форсча ўзлашмалар таркибида кирган. Бу кўшимча билан ясалган сўзларда негиздан англашилган предмет ёки белгига эга бўлмоқлик маъноси мавжуд [Бегматов Э.,

181-187].... *Яна Байту-л-Мақдисдан Қоба Қавсайнга ошарига мункир бўлса, мубтадиъ йўлсуз ҳаводор бўлур* [QRA:217r1]. (Яъни: *Яна Байту-л-Мақдисдан Қоба Қавсайнга чиқишини* (яъни, *пайгамбар (с.а.в.)нинг Аллоҳга яқинлашишини* [Комилов Н., <http://kh-davron.uz>]) *инкор қилса, йўли йўқ бидъатчи тарафкаш бўлур*.)

-она (انه) кўшимчаси отлардан равиш, сифат ҳосил қилиб, асос сўздан англашилган тушунчага ўхшатиш, киёслаш маъноларини англатади [Бегматов Э., 163]. Ўрта аср форс (пахлавий) тилига оид бўлган бу кўшимчанинг тарихий шакли – *ānak* (انك) бўлган [Пейсиков Л.С., 69]. Асарда арабча асос ва -она (انه) кўшимчаси билан ҳосил бўлган от туркумига оид *шукрона* (شكرانه) - “*бирор нарсага эришганлик, етишганлик эвазига билдириладиган миннатдорчилик*” [ЎТИЛ⁵⁵, 2, 431] сўзи қўлланган. *Бани Исроил сеvuнишиб, Изига шукр қилдилар, тевелар сўйуб, шукрона бердилар*[QRA:132r7]. (Яъни: *Исроил қавми сеvиниб, Худога шукр қилди, туялар сўйиб, миннатдорчилик билдирди*). Асли сифат ҳосил қилувчи -она (انه) кўшимчаси воситасида ҳосил бўлган *шукрона* сўзи асарда от вазифасида қўлланган.

-гāх (گاه) кўшимчаси исм туркумига оид сўзлардан ўрин-жой маъноларидаги от ҳосил қилган. Арабча “кўриниш, манзара” [Ан-Найм, 834] маъносидаги “манзар” (منظر) сўзидан *манзаргāх* (منظرگاه) - “*томоша майдони*”: *Ул вақтда Дақёнус манзаргāхдин тамошо қилур эрди*[QRA:178r11]; “*ҳайит, байрам*” [Ан-Найм, 573] маъносидаги “иъйд” (عيد) лексемасидан *иъйдгāх* (عيدگاه) – “*байрам қилинадиган жой*”: *Ийъдгāхга кун ўртага теги туруп яниб келсалар ул ашларни кўтруб бутларимиз бирга бу ашларга тегди теп элтиб ўгул қизлари бирла еюр эрдилар* [QRA:39v5]. (Яъни: *Байрам майдонига пешин пайтида келиб, у овқатларни кўтариб, бутларимиз бу овқатларга тегди деб, олиб бориб ўзил-қизлари билан бирга ер эдилар*); “*таъзим,*

⁵⁴ Изоҳ. АНАТИЛ-А.Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати

⁵⁵ Изоҳ.ЎТИЛ - Ўзбек тилининг изоҳли луғати.



куллук” [Ан-Найм, 361] маъносидаги “сажда” (سجدة) сўздан *саждагаҳ* (سجده گاه) – “сажда қилинадиган жой, жойнамоз”: ...*Ул қадар йиғладиким, саждагаҳи кўзи ёшиндин кўл бўлди [QRA:135v16]. (Яъни: Шу қадар йиғладики, жойнамози кўз ёшидан кўл бўлди) сўзлари ҳосил бўлган.*

Форсча префикслар иштирокида ҳосил бўлган арабий ўзлашмалар

бе- (ب) **префикси.** Асарда *бе-префикси + арабча асос + кўмакчи феъл* конструкцияси орқали ҳосил бўлган *беҳилл қилинг* (بحل قيلينك) кўшма феъли қўлланган. Беҳилл сўзи форсча *бе-* префикси ва арабча “ижозат этилган, руҳсат берилган” маъносидаги “хилл” 1-боб масдари воситасида ҳосил бўлиб, форс тилида *беҳилл кардан* (بحل كردن) шаклида “кечирмоқ, гуноҳидан ўтмоқ” маъносида қўлланилади [Ҳасан Амийд, 427]. Асарда бу лексема, айнан шу маънода қўлланган. *Ман барурман манга беҳилл қилинг [QRA:242v8]. (Яъни: Мен кетяпман, менинг гуноҳимдан кечинг).* Муаллиф арабча асосга форсча элемент қўшиб, туркий кўмакчи феъл билан қўллаган.

Асарда инкор, бўлишсизлик маъносидаги сифат ҳосил қилувчи **но-** (ن) **префикси** [Пейсиков Л.С.,193] билан исм туркумига оид сўзлар иштирокида ҳосил бўлган *номаҳрам* (نامحرم) [QRA:249r13] “маҳрам бўлмаган”, *номустақим* (نامستقيم) [QRA:2v15] “тўғри бўлмаган”, *ноаҳл* (ناأهل) [QRA:145r21] “оилага тегишли бўлмаган” каби сўзлар қўлланган.

ба- (ب) **префикси.** Асарда равиш ҳосил қилувчи бу олд кўшимча ёрдамида ясалган *бағоят* (بغایت) сўзи қўлланган. Араб тилида исм туркумига оид “чек, чегара” [Ан-Найм, 600] маъносини ифодалайдиган “ғоят” сўзи форсий префикс билан қўшилиб, “ғоят даражада, жуда ҳам” [ЎТИЛ, 1, 90] маъносидаги равиш туркумига оид лексема ҳосил қилган. *Одамнинг териси бағоят кўрклуг эрди [QRA:6v21]. (Яъни: Одамнинг териси жуда ҳам чиройли эди.)*

дар- (در) **префикси.** Тадқиқ этилаётган асарда арабча “вазият, ҳолат” [Ан-Найм, 107] маъносини ифодаловчи “ҳол” (حال) сўзига *дар-* (در) префикси

қўшиш орқали ҳосил бўлган “ҳозирнинг ўзида, тезлик билан” [ЎТИЛ, 1, 570] маъносидаги *дарҳол* (درحال) равиши ҳам қўлланган. *Ул қари отамизни мундин ортуқ қадғуда тутмағил теди эрса, дарҳол Юсуф юзиндан пардасин кўтарди [QRA:104v3]. (Яъни: Ўша қари отамизни бундан ортуқ қайғуга солмагин дейиши биланоқ, тезлик билан Юсуф юздан пардасини кўтарди.)*

Асарда форсча ва арабча сўзлар бирикувидан ҳосил бўлган кўшма сўзлар ҳам мавжуд. *Сархайл* (سرخیل) сўзи форсча *сар* (سر) - “бош” [Ҳасан Амийд, 611] ва арабча *хайл* (خیل) - “от, тулпор” [Ан-Найм, 249] сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган гибрид сўз ҳисобланади. *Сархайл* (سرخیل) форс тилида архаик сўз бўлиб, “отлар сақланадиган бўлинма бошлиғи [Миллер Б.В., 280]”, “саркарда, лашкарбоши [Ҳасан Амийд, 611]” маъноларини англатади. *Малик телим чериг йиғди, ул черигга Абраҳа бин Асрам бин Абраҳа Сабаҳни сархайл қилдилар [QRA:179v20]. (Яъни: Малик кўплаб лашкар тўплади, у лашкарга Абраҳа бин Асрам бин Абраҳа Сабаҳни саркарда қилдилар..)*

Арабча асос ва форсий сўз.

Арабча асосга *зода* (زاده) - “ўғил” [Ҳасан Амийд, 563] маъносидаги сўз бирикувидан: *ҳалолзода* (حلال زاده) – “хайрли авлод [Абдушукуров Б.,76], солих фарзанд”: *Атасы васийят қилди ҳалолзода ул бўлурким атасы вассиятын сақласа [QRA:244r16]. (Яъни: Отаси васият қилдики, отаси васиятин амалга оширган фарзанд солих фарзанд бўлади); аммузода* (عموزاده) – “амакининг ўғли, амакивачча”: *Ўлугнинг аты Аъмил эрди.....аммузодалари чигай эрдилар [QRA:128v20]. (Яъни: Ўликнинг оти Аъмил эди, амакиваччалари қашшоқ эдилар); ҳаромзода* (حرام زاده) – “ҳаромдан туғилган, оқпадар бўлган” [АНАТИЛ, 164]: *Кисро айди: мани ўлтургил, ким атасыны ўлтурганни булуб ўлдурмаса ҳаромзода бўлур [QRA:231v14] (Яъни: Кисро айтди: Мени ўлдиргин, кимки отасини ўлдирганни топиб ўлдирмаса, оқпадар бўлади) каби сўзлар ҳосил бўлган.*



Асар тилида арабча қасам (قسم) лексемасига форсча “хотира” маъносини англатувчи “ياد” сўзини қўшиш орқали “қатъий ваъда, онт” [ЎТИЛ, 2, 559] маъносидаги қасамёд (قسم ياد) сўзи ҳосил бўлган. Масалан: *Қасамёд қилу ёрлиқади* [QRA: 173r20]. (Яъни: *Қатъий ваъда билан фармон берди*).

Шунингдек, асарда арабча ва форсча предлоглар бирикувидан ҳосил бўлган *баъд аз* (بعد از) - “-дан сўнг, кейин” лексемаси ҳам қўлланган. *Мусанниф сўзи баъд аз бу китобни тузган, маъсият ёбонин кезган...андоғ айтур* [QRA: 2r17].

(Яъни: *Бундан сўнг муаллиф сўзи шуки, бу китобни тузган, гуноҳ биёбонларини кезган...шундай дейди*).

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, асарда соф арабий сўзлардан ташқари арабча асосга форсий элементлар қўшиб ҳосил қилинган ўзлашмалар ҳам салмоқли даражада қўлланган. Форсий элементлар орқали от, сифат ва равиш туркумларидаги сўзлар форсий аффикс, яримаффикс ва префикслар воситасида ҳосил бўлиб, асар лексик қатламини бойитишда иштирок этган. Булардан форсча элементли лексик бирликлар туркий тилга форс тили орқали ўзлашган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4- жилд. –Тошкент, 1985. – 592 б.
2. Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. –Тошкент, 2008. – 175 б.
3. Ан-найм. Арабча-ўзбекча луғат. – Тошкент, 2003. – 959 б.
4. Барышников А.Ф. Лексикология и фразеология персидского языка. –Москва, 1982. – 123б.
5. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Тошкент, 1985. – 197 б.
6. Миллер Б.В.Персидско-русский словарь.– Москва, 1953. – 668 с.
7. Nāsirūd-dīn bin Burhanūd-dīn Rabguzī. Kīsasūl–enbiya. I cilt. – Ankara, 1997. – 616 s.
8. Пейсиков Л.С.Лексикология современного персидского языка. –Москва, 1975. – 207 с.
9. Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. –Москва, 1973. – 199 с.
10. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати . 2-жилд.– Тошкент, 2003. – 297 б.
11. Ҳасан Амийд.Фарҳанге форсий Амийд. –Техрон, 1964. – 956 б.
12. Юлдашев Т. Навоий ва Бобурнинг ислом фарзларига бағишланган асарларидаги шаръий атамаларнинг лисоний таҳлили. Филол.фан.ном. ...дисс. –Тошкент., 2004. – 148 б.
13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1- жилд. – Тошкент, 2006. – 631 б.
14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент, 2006. – 715 б.
- 14.<http://kh-davron.uz/kutubxona/islomiy-adabiyot/tasavvuf/najmiddin-komilov-tasavvuf.html>

Сағдуллаева Д. Арабские заимствования с элементами персидского языка в произведении “Кисаси Рабғузий”. В данной статье проведен морфологический анализ состава арабских заимствований, созданных при помощи персидских элементов в тексте произведения “Кисаси Рабғузи”.

Sagdu llayeva D. Borrowings from the Arabic language with Persian elements in “Kisasi Rabguzi”. The given article provides the morphological analysis of the content of Arabic borrowings, created with the assistance of the Persian elements of “Kisasi Rabguzi”.